

ИСТИҚЛОЛ МАШЪАДИ, ТИҲЧИЛИК ПОСБОНИ,

ЯНГИҚҮРҒОН — БАҒРИ КОН

Туманимиз меҳнат аҳли Ўзбекистон мустақилликка эришган куннинг тўрт йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан қаршиламда. Аввало эл дастуронига мўл ва сифатли неъмат етказиб бериш борасида кўнчи натижаларга эришилмоқда. Район буйича 13.187 гектар ер бор. Шундан 6100 гектарига галла етиштиридик. Таъкидлаш жоиз, янгиқурғонликлар ҳурматли Президентимизнинг галла мустақиллигига эришиш борасидаги даъват-кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, улут ишга муносиб улут кўшиги орузида тер туқдилар. Хўжалик раҳбарлари, етакчи мутахассислар фаолиятига баҳо берилганда худди шу нуқтани назардан ётказдик. Уч йилда галлазорларимиз 2.500 гектарга кенгайди.



эришган ютуқларимиздан яна бири картошка парвартиш, ундан юқори ҳосил олишни ўзлаштирилганлигимиз бўлди. 1995 йилда 1.100 гектарга картошка экилди. 1575 гектарга сара уруғ жойлаштирилди. Ният ҳар гектар ердан 250 центнердан сифатли неъмат йиғиштириб олиш. «Туркистон», Охунбобоев номили ширкатлар уюшмасида бу борада бой тажриба туپланди. Картошка-иккинчи номимиз, унга талаб тобора ошиб бораётган. Ишонч кўзини билган, маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланаётган, фан ютуқларини амалиётга дадил жорий этаётган картошқорлар ҳосилдорликини 300 центнерга етказишмоқда.

Янгиқурғон уста соҳибкорлар маскани. Улар етиштириётган ширин-шарбат узумлар ҳақимизга манзур бўлмоқда. Туман буйича 4.162 гектар тоқсор бор. Шундан 3254 гектари ҳосил берапти. Истиклолимизнинг тўрт йилги шарафига истеъмолчиларга жами 22 минг тонна узум тортиқ этишга аҳд қилганмиз. Пишиб етилган сархил неъмат пешма-пеш шаҳарликлар дастуронига тортиқ этилмоқда. «Гушан», Дали Сатторов номили хўжалиқларда бу борада айниқса яхши натижаларга эришилмоқда.

Бозор шароитида иқтисодий ислоҳотни изчил амалга ошириб, қайта ишлаш санаяти юксак даражада ривожлантиришга эътиборни қўйиб келишимиз. Қўшимчи ҳошимлар, мутахассислар кўни бўғиларда бўлиб, ўз маҳсулотларимизни ўзимиз қаёққа ишлаш, сақлаш ҳамда сотишни пухта ўзлаштиришимиз кераклигини синчилаб ўқтирдик. Ана шу йўналишда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Наманган вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Бургутали Рапигалиев корхоналар, шехлар бунёд этишда катта гаммуриқ кўрсатдилар. Энди 8 та хўжалиқда қайта ишлаш шехлари бор. Улар замонавий жиҳозлар, мосламалар билан таъминланган. Ҳозирги кунда туманда катта миқдордаги узумни қайта ишлаш қувватига эгамиз. Ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик, эртанги кунни кўра билган ҳолда фаолият юри-



Мана, 1995 йил дастлабки оқ олтин хирмонлари ҳам уйилмоқда. Қўнғирот районида Охунбобоев номили жамоа хўжалигида пахтакорлар 1685 гектар майдонда ҳосил етиштиридилар. Бу йил гектаридан 22 центнердан оқ олтин йиғиштириб олиш учун қизгин ҳаракат кетаяпти.

Суратда: илгор теримчи Н. Алламуротова.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯСИ

● 1991 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бутун ҳажмининг 37 фоизи давлат сектори ҳиссасига, шунга мувофиқ ҳолда 63 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1994 йилда давлатга қарашли бўлмаган сектор бутун маҳсулотнинг деярли 95 фоизини ишлаб чиқарди.
● Иқтисодий ўзгаришлар амалга оши-

рилган йилларда аҳоли фойдаланиши учун қўшимча суратда 550 минг гектар сугориладиган ер ажратилди. Бу қарорлар қабул қилингунча аҳоли эса бўлган ер майдонидан анча кўли.

● Шахсий томорқа учун берилган еришг умумий майдони деярли 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда.

● Томорқа ерларнинг ўртача ҳажми 0,2 гектардан ортиқдир.

МЎЪТАБАР НЕЪМАТ

Қадим қадимдан галлага бой мамлакатда маъмуриятчилик бўлган, савдо-сотик, алоқалар ривожланган. Жумладан, ота-боболаримиз утган шу муқаддас заминимизда ҳам мўл дон етиштириш асосий вазифа ҳисобланган. Омборлардан бугудой, арпа аримаган. Дуненинг унлаб давлатларида юртимиздан утиб боришган.

Дон мустақиллиги мамлакат кудрати, фаровонлиги демак. Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кезларидан оқ олтинимиз ушбу масалга жиддий эътибор қаратилар. Ҳаётбахш фармонлар, тарихий қарорлар қабул қилинди. Унга биноан галла етиштирилиши жадвал ривожлантириш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

пешмат уриб олинди. Чўл шароитида бу эътиборга молик воқеа муваффақиятга омилиқ билан иш юритилиши, парвариш ишлари кунчилиқидек ташкил этилиши тўғрисида эътибор қилинди.

Шунингдек, Сирдарё туманидаги «Сирдарё» ширкатлар уюшмаси, «Сирдарё» Бунинг учин тайёрлик кизгин давом этакетир.

Эз утиб куз келди. Пахтакор эрта баҳордан қилган меҳнатининг самарасини кўрадиган кунлар яқин. Мустақиллик шодиясини нишонлаш пахта теримига кизгин кўриламиз. Ғуза баргини сунъий тўқитиш ишларини бошлаб юбордик. Мавсумга керакли техникалар шай қилинган. Мавжуд дала шийпонлари ва хирмонлар тартибга келтирилди. Хуллас, оппоқ очилган оқ олтинимизни қисқа фурсатда саранжомлаб олишга имкониятларимиз етарли. Пахтадан бўшаган ерларга дарҳол кузги галла экиши бошлаб борамиз.

Вилоятимиз деҳқонлари ҳам шу мақсадга етиш йўлида филокорона меҳнат қилмоқдалар. Иккинчиларни ишга солиб галладан мўл ҳосил олиш чораларини курайтдилар. Шуниси қўнчилик, бултурғига нибатан бу йил ҳосилдорлик сезиларли кутарилиди. Унлаб ширкат ва бригадаларга соҳани ривожлантиришда тажриба туپланди, илгорлар сафи кенгайди.

Вилоят буйича бу йил 212 минг тонна галла олинди. Бунда Оқолтин, Мирзаобод, Сайхунлида, Боевот, Сирдарё туманлари галлакорларининг ҳиссаси катта, Ер шароити мураккаблигини, муаммо ва қийинчиликларини енгиб меҳнат қилган Оқолтин туманидаги «Фаргона» деҳқон-фермерлар уюшмаси аъзолари гектаридан 44 центнердан хирмон уйдилар. Бобур номили хўжалик азаматлари эса 42 центнердан дон йиғиштиридилар. Умуман Оқолтин тумани буйича гектаридан 37 центнердан азиз

Олимжон МИРҲАБИБОВ, Сирдарё вилояти деҳқончилик саноати уюшмаси раиси

Хал қилувчи паллада ёрдам қўлини чўзган киргизистонлик ҳамкасбларимиздан ғоят миннатдоримиз. Улар яхши созланган комбайнларни ёрдамга юбордилар. Мавсум мобайнида мавжуд комбайнлар тўла қувват билан ишлатилди. Ялпи сафарбарлик таъминлиги, туманда дон етиштириш режаси зидаси билан адо этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг Наманган галлакорларида йўллаган табриги барчани янги меҳнат зафарлари сари рўҳлантирди.

Мустақиллик йилларида

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Истиклолимизнинг тўрт йиллиги нишонланаётган шу хосиятли кунларда фахр билан эсга оладиган қўнчилик воқеалар жуда кўп. Аввало хўжалигимизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белги-ланган режалар зидаси билан адо этилмоқда. Қадоққўл деҳқонларимиз мамлакат галла мустақиллигини таъминлаш ишига муносиб улут қўшишди. Президентнинг ҳаётбахш фармонлари шарофати тўғрисида меҳнатқаш қаддини тиклади. Асл тадбиркор сикидил тер тўкиб, бири икки бўлапти. Етим-есирлар, боқув-чисиёз оилалар мустақам ижтимоий ҳимояга олинганлиги ҳуқуқимизга бўлган миннатдорчилигимиз, меҳр-муҳаббатимизни анадя жүш урдирмоқда.



лаётган ажойиб дўппилар хорижликларни ҳам мафтун этади. Бир кун бутун оналар миннатдорчилигининг бир қўри-ниши сифатида зўр меҳр билан тикан дўппига: «Азиз бо-шингиз омон бўлсин!» калима-сини сержило ипақларда ёзиб, ҳурматли Президентимизга йўллади. Не бахти, совгага сизга бориб етибди.

Яқинда Наманган вилояти ҳокими Б. Рапигалиев, Чўст тумани ҳокими Р. Муртазоев файзли хонадонимизга ташриф буюриб, юртбошимиз юборган совгани топширишди. Энг азиз, бебаҳо совга — кирмизи гилам хонадонимизга кўра бағишлаб турибди.

Ойшахон ҒАҒУРОВА, Чўст туманидаги «Сабзозор» жамоа хўжалиги аъзоси.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ЧЕТ ЭЛГА

«Ўзашсанаят» давлат уюшмаси 39 корхонадан бир-лаштирган. Тошкент трактор, Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари, «Компрессор» заводлари, Самарқанддаги «Сино» ва «Кина» бирлашмаларимизни республикамиз худудидан ташқарига ҳам яхши билишди. Зеро, неча йилдики, корхоналаримизда ишлаб чиқарилган тракторлар, принцплар, пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалигига оид бош-қа кўпга улусуналар, компрессорлар, дизеллар, экскаваторлар, тўкув дастгоҳлари, совутигилар, турли халқ истеъмол молларини хорижий давлатлар иштиёқ билан харид қилиб келишмоқда.

маҳсулотнинг 25 фоизи эса МДХ давлатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Украина, Белорусия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Гана, Индонезия, Германия ва бошқа мамлакатларга жўнатилмоқда.

Кейинги пайтда хорижий шериклар билан қўшма корхоналар тузилаётганлиги бу борадаги имкониятларимизни янада оширмоқда. Бундай корхоналаримиздан энг йириклар «Ўзиталмотор», «Ўз-винклер» бўлиб, кейингиси нон ёпақидан ускуналар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Дастлабки новвохоналарни шу йил октябрда харидорларга етказиб бериш учун чоралар кўрилмоқда. АКШ-нинг жаҳонга машҳур «Кейс» фирмаси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариладиган қўшма корхона тузиш ишлари ҳам жадал бормоқда.

Илгари корхоналаримиз давлат бюртмаси асосида фаолият кўрсатар, маҳсулотни сотиш, хом ашё етказиб бериш масалалари хуёсида бош қотирилмас эди. Чунки ким-кимга нима етказиб бериши, қайси корхона қандай маҳсулотни қанча миқдорда ишлаб чиқариши олдиндан белгилан қўйиларди.

Мамлакатимиз мустақил-ликка эришгач, аҳвол тубдан ўзгарди. Корхоналар хўжалик юртишда эркинликка эга бўлди, маҳсулот ишлаб чиқаришда мижозларнинг талаб-эҳтиёжи ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Тўғри, собиқ Итти-фок тарбаб кетгач, хўжалик юртишда қатор қийинчиликлар юзага келди. Лекин Президентимиз бошчилигида иқтисодий бораида юртишимизда изчил амалга оширилаётган тадбирлар бизга малалдор бўлапти. Корхоналаримиз қайтадан қад ростлаб, синовдан муваффақиятли ўтишмоқда.

Эндиликда уюшмамизда бир ярим минг номда маҳсулот қилибди, унинг тахминан 75 фоизи республикамиз доирасида сотилмоқда. Жами

Фарход ФИДОВ, «Ўзашсанаят» давлат уюшмаси маркетинг ва ташки иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи.



Зангиота туманидаги «Иттифок» жамоа хўжалигида иштиқол байрами арафасида янги консерва пехи ишга туширилди. Кичик корхона мавсумда бир ярим минг шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Суратда: консерва пехи ишчиси Дилором Қўзибоева.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ

Истиклолимизнинг тўрт йиллик байрами арафасида Бухоро вилоятининг Ромитан, Гизлудон, Вобкент, Шофривон ва бошқа туманларида унлаб хонадонларда табиий газ — зангори олов енди. Бу пахтакорлар, чорвалдорлар, пиллкорлар ва бошқа касб соҳибларининг оила аъзоларини қутул сана бугундаги тағат мамнун эди. «Ўзбекгаз»нинг Бухоро вилоятидаги бўлималари ва хўжалиқларнинг ўз кучи билан йил бошидан бери утказган газ тармоқларининг узунлиги 216 километрдан ошиб кетди.

Президентимизнинг қишлоқларни газлаштириш ва аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги фармонларини тула-туқис амалга оширишга вилоятда алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил вилоят буйича 27 километр узунликдаги газ тармоқларини ўтказиш кузга тутилган эди. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, хўжалиқлар маж-лагини ободончилик ҳамда ижтимоий муҳофаза тадбирларига сарфлашни кузлаб иш тутилаётганлиги тўғрисида режалаштирилган қарийб ўн баравар кўп

ҳажмдаги юмушлар амалга оширилди. Вилоят газчилари ва хўжалиқларнинг кучи билан йил охиригача яна қўшимча равишда юзлаб янги хонадонга зангори олов олиб кириш учун қиз-гин иш олиб боришмоқда.

Фаргона вилоятида ҳам газлаштириш қизгин бормоқда. Йил бошидан бери 225 километр узунликдаги газ қувурлари ўтказилди. Зангори олов олиб кириш жадвал бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги капитал қурилиш бош бошқарма-

Аёл учун фарзандларининг камолини кўриб, ўз меҳнати меваларидан баҳраманд бўлишдан ҳам улғурроқ бахт борми? Менга ана шундай саодатни мустақиллик берди. Шу-қрки, саккиз нафар фарзандимнинг барчаси одамоҳун, меҳнатсевар, эл ишига камарбаста. Истиклол тўғрисида бошқалар қатори бизнинг оиламиз ҳам ерли бўлди. Ховлимиздан икки юз қадам нарида уч ака-ука ёнма-ён уй қуриб кўчиб ўтишди. Ҳозирча кенжам Фозилжон, келиним Моҳирахон ҳамда қизим Сабоҳон билан яхши ҳаёт кечираймиз. Ўн олти неварам қанотим.

Умрдошим вафотидан кейин катта оила ташвиши ўзимга қолди. Болалар ёш эди. Кўнглимни чўқирмай далада ишладим, ипақ қурти парваришладим, мол боқдим, кези келганда қўлимга игна олиб тикувчилик қилдим. Меҳнат инсонни албатта юзага чиқаради деб бежиз айтишмайди. Ўша оғир кунларда тўнғич ўғлим Иброҳимжон ҳарбий хизматда эди. Баҳодиржон эса Афғонистондан кўнгли

Оналар дуога қўл очишди

чўки, эндигина бағримга қайтганди. Муҳаммаджон, Насиббахон эса олий билимгоҳда таҳсил олишарди. Фарзандларимни илмли қилиш учун астойдил ҳаракат қилдим. Жуда кийналган кезларимда «Правда Востока» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Зокиржон ака Собиров ёрдам қўлини чўзди. Қатор кўп болали оилалар сафида бизга ҳам янги уй қуриб беришди. Хонадонимизга келин тушгач уйимизга нур тўлди. Ҳозирда фарзандларим топармон-тутармон. Ҳаммалари атрофимда парвона. Уларга қараб қолганим йўқ. Ҳуқуқимиз яхшигина нафақа билан таъминлаган. Шу боис биз оналарни бошига кўтарган ҳуқуқимизга

мизга раҳматлар айтаман. Баъзида фарзандларимга: «Мени давлат боқай, топганларингни яхши кўнларингга ишлатинглар», дея ҳазиллашиб қўяман.

Кўни кеча маҳалла оқсоқоллари, фаоллари бизни мустақиллик тўғрисида айтиб кетишибди. Тантананда совга-салом улашшаримиз. Ўзимча фикр қиламан, ҳур Ўзбекистонимиз албатта буюк давлат бўлади. Зеро, аёлларни, нурунийларни эъзозлаган халқнинг келажаги ҳаммаша порлоқдир. Республикада мендек минглаб оналар ҳар тонг элга тинчлик, юртга тотувлиқни берсин, деб дуога қўл очмоқдалар. Оналар дуоси эса балоларга қалқон, эзгуликка поспан, саваб ишларга бошловчи раҳмон. Бугунги саодатманд жўма тонгидан барча юртдошларимни мустақилликнинг тўрт йиллиги билан муборақбод этаман. Қалбимизни озодликнинг ёрқин шуъалари мудом чароғон этакверсин!

Курвонхон ая ҚОРАТОВА, Асака тумани меҳнат фахрийси.

ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БУЛ ОБОД!



Уша йили баҳор азобли келди. Кетма-кет ёгингарчиликлар, қатқалоқ экиннинг тинкисини қуритди. Кун чикқан томондан қутилмаганда кўтарилаётган қора куюн муаммоларни янада кўпайтирди. Одамлар кунлига гашлик чўккан. Ҳудда чиниққан, табиатнинг бундай нағмаларига кўникиб кетган Тўхмоқов уфққа туташ далаларга ўнчан тикилди. Уни ўйлан-траётган, куйинтираётган бошқа нарсасиз деҳқоннинг, хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг оёқ-қўли болганган. Қизиқ, идора ёнидаги гулзорни бузиб ўрнига чигит эксангиз ҳеч қим иманини бузмайди. Бироқ иманини топиб бўш ерда галла етиштирсангиз дарров дақиқ беришад.

— Пахтани ўйланг, қолганини давлат етказиб беради, — дейишарди зарда билан баъзи раҳбарлар.
Чўлуварлар ҳаёти мураккаб кечади. Қийинчиликлар, қутилмаган кўргилликлар Маҳмуджон Тўхмоқовни, асл чўлуварларни тоблади. Лекин эзгу максат йўлида таваққал қилган кишининг раҳмат эшиги кийин эди. Хўжаликда бундай инчилардан бўлиб бутифосдан воз кечишди. Уша кунни райком вакили хўжаликда ҳозир бўлди.

— Менга қаранглр, — деди у, — нега маҳмадонгарчилик қиларисизлар? Ахир қачонгача сизларга қоровуллик қиларисиз?
— Халқни, табиатни ўйлаганлар аллақачон бутифосдан воз кечишди. Биз ҳам виждон буурганини қилдик. Ахир заманини заҳарлар бўлди-ку?!

Бош ҳосилот бир сония фикрини жамлаб сўзиде давом этди.
— Директор жуда тўғри қилапти, вақт борида номақбул ишларга барҳам берайлик. Акс ҳолда келажак бизни кечирмайди...

Ушандан кейин Усмон Носир номи хўжалик раҳбар мутахассисларини элак-элак қилишди. Хизмат бурчиға муносабатларини муҳокама қилиб, айримларига хайфсан беришди. Ҳаёт қизиқ экан, Маҳмуджон ака, бош ҳосилот ҳамда қатор мутахассислар ҳақиқат учун курашаётганини кўриб-билиб турган, ҳар қуни эшикларини тақиллатмай кириб келадиган баъзи қаддрдонлари ҳам ўзларини четга олишди. Мўҳими, жамоа, нурунийлар уларни қўллаб-қувватладилар. Яхшиям ҳаётда қучли, иродали, эътиқодли инсонлар бор. Акс ҳолда ҳар қандай аҳмоқона топшириқни ҳам «хўп бўла-

ди» деб бажариб кетилаверса, охири нима бўлади? Ота-хонлар мадади, эртанги кунга ишонч етакчиларға қучкуват бағишлади. Бунёдкорлик ишлари жонлангириб юборилди. Хўжаликнинг барча йўлларига асфальт ётқизилди. Янги уй-жойлар қурилди. Аҳоли табиий газ, ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Вақт ўтиши билан бу ерда ажойиб заршунослар етишиб чикди. Абдумалик Пардаев, Ғулом Фозилов, Эрбек Алиетаев қабиладар ўзига хос тажриба мактабини яратдилар. Маҳмуджон аканинг эслашчиға, чўлуварлар ўзларини аямай ишлашарди.



Йиллар ва одамлар КҮЁШ ЧАРАҚЛАБ ЧИҚҚАН КҮН

Баъзида эришиб бўлмайдиган доволар ҳам шахсий ташаббус, иштиёқ туфайли забоб этиларди. Аммо неғадир баъзиларда ҳаётдан завқланса, эртанги кунга умид билан қараш сезилмасди. Бир кун тажрибали заршунос Э. Алиетаев нолиб қолди.

— Ахир қачонгача деҳқонни калака қилишадиган? — фикрини ифодалади у Тўхмоқовга юзланиб. — Пастки қўсқалар етилмади дефолиацияни бошла, дейишарди. Гапга қўнсақ гектарига камида икки центнердан ҳосил йўқотамиз.

Иродали деҳқонлар тажриба, фан ютуқларига суюнишди. Агротехник тадбирларни муддатда, сифатли амалга оширишди. Уша йили хўжалик давлатга пахта топшириш режасини зиёдадас билан адо этди.

Кўёш қазариб ботган ўша ҳосилоти кунда барча улуг кунлар экинлашаётганини дил-дилдан ҳис қилди.

...Истиклол кўёши порлатмай кириб келадиган баъзи қаддрдонлари ҳам ўзларини четга олишди. Мўҳими, жамоа, нурунийлар уларни қўллаб-қувватладилар. Яхшиям ҳаётда қучли, иродали, эътиқодли инсонлар бор. Акс ҳолда ҳар қандай аҳмоқона топшириқни ҳам «хўп бўла-

энг тажрибали галлакорлар, мутахассислар жалб этилди. Хал қилувчи дамларда майсаларни озиклангириш ва бошқа тадбирлар сифатли ўтказилди. Натижа қутилганидан ҳам яхши бўлди. Чўл шароитида ҳар гектар ердан 35 центнердан бугдой йиғиштириб олинди. Етти минг тонналик хирмон яратилди. Давлатга олти минг тонна дон сотилди. 24 та комбайн юқори унум билан ишлатилди. Урим-йиғим йиғирма кунда тугалланди.

Мирза Қодиров, Фарҳод Уматов, Тоҳир Хожиматов қаби тажрибакорлар бошлиқ звеноларда гектаридан 40-45 центнердан бугдой ҳосили олишга эришилди. Бундай ютуққа илк бор эришилди!

Пилла, галла етиштиришдаги ютуқлар кўпчилигини янги марралар сари руҳлангирди. Иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилди. Бошқариш шаклини янгиликларни қимомши савдосида зоотехник Маъмур Жунов 8 миллион сўмға сотиб олди. У шогирдларини ёнига олиб 800 та қорамолни меҳр билан парвариш қилапти. Ниятлари йилига минг тонна сут, 150 тонна гўшт етиштириш. 21 та деҳқон (фермер) хўжалиги ҳам яхши ривожланыпти. Улар алоҳида ҳисоб рақамига эга «Баҳмал», «Гулистон», «Туркистон», «Мадааният» қаби фермер хўжаликлари дастлабки қувончли натижаларини кўлга киритишмоқда.

Бу йил Оқолтиндаги мазкур хўжаликда 3038 гектар ерда пахта етиштирилди. Хосиддорлик гектарига 30 центнер қилиб белгиланган. Заршунослар сўнгги вақтларда ўзларини қарздор бўлиб қолганликларини қалбдан ҳис қилишмоқда. Бутун диққат-эътибор пахта йиғим-теримига қаратилмоқда. Истиклолнинг тўрт йиллиги нишонланаётган қўтулғу йилда давлатга туман хўжаликлари ичда энг кўп — 8,500 тонна оқ олтин армуғон этиш чўлуварлар дил муддаоси.

— Кайфиятга кўп нарсасиз боғлиқ, — дейди хўжалик раҳбари М. Тўхмоқов. — Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари деҳқонга қанот бўлди. Заршунос, боғнов соҳибкор, чорвадору қурувчи ҳеч қачон ҳозиргидеги эмин-эркин, зўр кўтариқчилик ва иштиёқ билан ишламаган. Мустақилликнинг номи ширин, деб шунга айтсалар керак!

М. ҚАЮМОВ.

НОЗ-НЕЪМАТ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Улқамдаги пишқичлик. Боғларда, узумзорларда, полихларда етиштирилган шпирин-шарбат мевалар, қовун-тарвузлар пешма-пеш узалиб эл дастурхонига тортиляпти.

Бозорларни айланар экансиз, ҳил-ҳил пишган, боғга тула сарҳил меваларни кўриб қуангит қамашади. Истиқлолнинг тўрт йиллиги шарофати жойларга ташқил этилган савдо ярмаркалари ганжум. Вилотлардан келтирилган сарҳил неъматлар шаҳарликлар дастурхонига фавз қилгилмоқда.

Айниқса, пойтахтнинг Чилонзор метроси бекати ва Ал Хоразмий кучаларида ташқил этилган мева-сабзавот ярмаркасидан аҳоли мамнун. Бу ерда қуриқ Жижак дўлига етиштирилган маҳсулотлар ўз харидорларини топапти.

— Жиззахликлар 15 августдан 1 сентябргача тошкентликлар дастурхонига 1300 тоннадан зиёд мева ва полих маҳсулотлари тортиқ қилишди, — деди вилот ҳокими ўринбосари, Давлат назорат бошқармасининг бошлиғи Абдумурод Пардаев. — Бундан ташқари фермер хўжаликлари ва шахсий томоқчаларда етиштирилган маҳсулотлар келтирилди. Нарҳи бозорниқилан арзон. Вақиларимиз — вилот агросаноат уюшмаси мева-сабзавот бўлими мутахассиси Абдуқодир Эшонқулов, вилот «Мевасабзавотуюзмасаноат» бирлашмаси савдо бўлими бошлиғи Тоҳир Эргашев савдо-сотихни назорат қилиб боришарди. Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан маҳсулот келтириётганларга барча шароит яратиб берилди.

Ғадлаорол, Баҳмал, Зарбдор, Пахтакор, Зафаробод, Мирзачўл, Фориш туманлари хўжаликларда етиштирилган маҳсулотлар аҳоли томонидан севиб харид қилинмоқда. Бундан ташқари «Жиззахсув» ҳиссалорлик жамияти сўт маҳсулотларини пешма-пеш келтирмоқда. «Сайхон» паррандачилик фабрикаси 500 минг донга туҳум, 10 тонна пардиз гўштини байрам дастурхонига тортиқ этилди.

Р. АҚБАРАЛИЕВ.

Суратларда: вилот ҳокими ўринбосари, Давлат назорат бошқармаси бошлиғи Абдумурод Пардаев (юқоридан ўртада) ярмарка назоратчи вақилари Абдуқодир Эшонқулов ва Тоҳир Эргашев билан келтирилган маҳсулотларни кўздан кечиринишарди;

Савдо ярмаркасида лавҳалар, Муаллиф олган суратлар.

ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯСИ

• **Картошка экиладиган майдонларни 57 минг гектаргача кенгайтириш ва уни етиштиришни 800 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.**

• **Давлат буюртмаси фақат пахта ва донгагина сақланиб қолган бўлиб, унинг миқдорлари 1995 йилда пахта бўйича тегишли суратда 60 фоизгача ва дон бўйича 50 фоизгача қисқартирилди. Яқин икки-уч йил ичда буларга ҳам давлат буюртмасини бекор қилиш вазифаси қўйилмоқда.**

• **Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва республика ҳудудларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.**

• **Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида кўлаб халқро ташкилотлар, чунки ЮНИДО фаолиятини қўллашмоқда. Унинг ёрдамида урта бизнес-инкубатор ташкил этилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси Амалий алоқалар марказини ташкил этди. Немис техникавий кўмаклашув жамияти (ГТЦ) томонидан Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиё инвестиция фонди (Буюк Британия) фаол иш олиб бормоқда.**

Тўрт-беш йил аввал вилотимиз Омск, Оренбург, Уфа, Тюмень, Павлодар, Бердянск қаби йирик шаҳарлардан нефть маҳсулотлари сотиб оларди. Бунга жуда кўп сарф-харажатлар қилинарди. Мустақиллик шарофати, ҳукумати-миз амалга ошираётган ибратли тадбирлар туфайли эндиликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Хоразм эҳтиёжини деярли қоплай бошлади. Мингбулоқ, Қўқуд-

раб уларнинг бошланғич нархлари белгиланиб қимомши савдосига қўйилмоқда. Ўз-ўзидан хусусийлаштирилган шохобчалар ўртасида соғлом рақобат юзага келмоқда. Бу эса ишни намунали йўлга қўйиш имконини беради.

Шовот нефть маҳсулотлари сақлаш қорхонасида янги ускуналар ўрнатилди, техник аҳвол яхшиланди. Хонқалаги қорхонада ҳам ёнилиги сақлаш масалаларига мастулияят би-

сидаги фаолиятлари чуқур ўрганилмоқда. Жамоанинг Юсуф Матназаров, Олим Отаниёзов қаби операторлари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

Бозор шароитида янги ишчи ўринлари яратилиб, кадрлар малакасини ошириш қабиларга алоҳида эътибор бериш керак. Одамларни кўпроқ меҳнатга жалб этиш мақсадига туманлар нефть қорхоналари ҳисшида шефлар ташқил этилди. Шу тариқа бизда тадбиркорлик ривожланмоқда. Эндиликда дўконлар, қурилиш бригадаси, гилам-палос тўқиш устахоналари сони кўпайиб бормоқда. Ёнилиги қўйиш шохобчалари атрофлари ободонлаштирилди. Ташландиқ ерлар боғ-роғларга айлангирди.

Деҳқон-фермер хўжаликлари қўпайган ҳозирги шароитда улар эҳтиёжларини атрофларга ўрганапти. Чорвачилик ҳиссалорлик жамиятлари ҳам ёнилиги танқислигини сезишарди.

Ҳадемай, оқ олтин йиғим-терими бошланади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташқил-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламалга айлангирди. Хал қилувчи бу мавсумни тез ва соз ўтказиш, бебаҳо бойликни нест-нобод қилмай йиғиб-териб олиш биз — таъминотчилар иши самарасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни қалбдан ҳис этиб, ҳар томонлама пухта тайёрларик кўрмоқдамиз.

Пўлат СУЛТОНОВ,
Хоразм вилоти нефть маҳсулотлари таъминоти қорхонаси раҳбари.

ҚОРА ОЛТИНИМИЗ

малоқ нефть қонларининг ишига тула туширилаётгани мустақиллигимизни мустаҳкамламоқда. Қўшни Бухоро вилотиде нефтни қайта ишлаш заводи бунёд этилаётганлиги ҳам мушқулларини янада осон этиб, сарф-харажатларни қисқартиришга хизмат қилади.

Соҳамиз кишилари ўзларини деҳқонга қамарбаста деб билмоқдалар. Хусусан, бу йил галла ўрим-йиғимни давлат нефть маҳсулотлари танқислиги сезилмади. Комбайнлар, тракторлар, насослар тўхтовсиз ишладилар. Ҳозирча ҳосилни ўриб-янчиб олиш, гўза қатор ораларига ишлов бериш қаби мақсадлар учун юз минг тонна ёнилиги етказиб берилди.

Бозор шароитида ишни ниҳоятда пухта ташқил этиш керак. Пишиқ-пухта иш юритганимиз, иерофгарчиликнинг олди олинганлиги сабабли қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг таннархи қамайдилар. Ҳар бир хўжаликда ҳатто насослар учун кетадиган ёнилиги қаттиқ назорат олинган. Ишининг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Биз кадрларга нисбатан талабчанликни ошириб, уларни синовдан ўтказдик. Йиғирма нафардан ортиқ ходим ўз вазифасига нолийқ деб топилиди. Шубҳасиз пок, ҳўжаликлар, ташкилотлар манфаатини қўллаб ишлайдиган ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

14 та автомобилларга ёнилиги қўйиш шохобчаларини хусусийлаштириш бошлангирди. Катта-кичиклиги, қардда жойлашганлиғига қа-



дан ёнидошилмоқда. Қўлайлик яратилиб, сарф-харажатни қамайитириш ниятида Гурлан туманида бунёдкорлик ишлари жонлангирди. Янгиариқ туманида янги нефть базаси фаолият бошлади. Бундан ташқари Қўшқўпирда намуна лойиҳа асосида нефть базаси қурилиши бошландилар.

Вилот нефть маҳсулотлари таъминоти қорхонасида стук мутахассисларнинг иш тажрибалари омаллаштирилмоқда. Хусусан, соҳа конюктури Иброҳим Собиров, моҳир ташқилоти Абдулла Эргашев қаби фидойиларнинг ишчи моҳирона ташқил этиш, муаммоларни ҳал этиш бора-

ЭНГ КАТТА САВОБ




Кексалари улугланган юртнинг истиқболли порлоқ, номи эъзода, қудрати беқийс бўлади. Бундай юртдан хайр-баракат, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат аримайди. Ҳар қандай бало-қазога оталар дуоси, панд-насиҳатлари қалбдан бўлиб туради. Шунинг учун ҳам ота-онанинг дуосини олганлар ҳаётда ҳеч қўқулмай ўсиб-унандилар, қамоли етадилар. Ота рози — Худо рози деган ҳикмат замирида ҳам шў ҳақиқат яширинган бўлса не ажаб.

Мамлакатимизда мустақилликка қўшилиб бебаҳо қадриятлар қайтиди. Кўпни қўрган, тарихнинг «гирек гувоҳлари хисобланган отахонлар бугун исзатда, давраларнинг тўри, ҳурматнинг зўри уларники. Юртбошимиз имзо чеккан илк фармонлар ҳам уларга маладкор. Фахр-ифтихор билан айтишимиз мумкинки, бирор даврда қариялар бугунгидек юртимизда эъзозланмаган. Узингиз инсоф билан ўйлаб кўринг, тўрт йилда қарияларнинг пенсия пуллари неча марта оширилди. Неча марта имтиёзлар, енгилликлар жорий этилди. Чуқур мулоҳаза юритиб кўрсанг, бу савобли ишларнинг бошида юртбошимиз Ислам Қаримов турганинг гувоҳи бўласан киши. Эзгу йўлда унга албатта нуруний онахон ва отахонлар дуоси ҳамроҳ бўлапти. Мен ҳам ул зот юритаётган адолатли сиёсатдан баҳраманд бўлиб яшаётган инсонлардан бириман. Ешим 62 да. Оҳангарон қариялар интернетда ашайман. Бу ерда биз қариялар учун барча шароитлар яратилган, ўз уйимизда кўрмаган меҳроқибатни кўриб, қолган умримизни яхши ўтказаяпти. Ҳар қуни тўрт маҳал оват, телевидение, радио бизнинг хизматда. Интернетнинг бир-биридан ширинсув ходимлари бизнинг соғлигимиз, осийшталгимиз посбонлари. Бир киришимизни ювиб, парку тўшақлар ташлаб берса, бири лаззатли таомлар тайёрлаб, яна бошқиси дардимизга даво истаб, шикаст кўнгилимизга ором беради. Бундай шароит, ғамхўрлик учун ҳўкуматимизга таъзим қиламиз, қариялар уйи директори Эргашон Оқилвога ўз миннатдорчилиғимизни изҳор этамиз. Чунки бу олжаноиб, тадбиркор инсон, меҳр-оқибати, ишбилармонлиғи билан қалбларимизга ёруғлик, нур олиб кирди. 1972 йилдан буён тўрт марта раҳбар алмашди. Биринчи синик кўнгиллارга малҳам тутса, бирини ўзини ўйлади. Қисқаси Абдунаби Бувабековдан кейин раҳбарга ёлчимандик. Айниқса Ноила Ғалимжонова директорлик қилган даврда қариялар уйи ёмон аҳволга тушди, 1990 йилнинг апрелида Эргашон Оқилво раҳбар бўлди-ю, ғариблар юрағига ҳам шамол теғди. Атроф ободонлаштирилди, эрта баҳордан ҳашар ташқил этиб, ташландиқ ерлар ўзлаштирилиб, картошка экилди. Уша йилнинг ўзида 2 тонна картошка олинди.

1992 йилда 2500 туп турли хил мева қўчатлари ўтказилди. Улар яхши парваришлангани натижасида 1994 йилдаёқ ҳосилга кирди. Олмаю шафтодиллар, бодому ёнғоқлар, ўрикзор боғлар билан ўралган қариялар уйи бугун жаннатмакон масканга айланган. Соя-салқин хёбонларда ўрнатилган ўриндикларда мириқиб дам оламиз. Утган йилнинг ўзида 3 тонна ўрик-олма қуришиб, қишини мазага қилиб ўтказган эдик. Бу йил ҳам ҳосилимиз кўп. Ҳозиргача 5 тонна олма, ўрик қуридик.

Мустақиллик кўни ёзилдиган дастурхонимизга боғимизда етиштирилган мева-чевалар қўйилди. Дарвоқе, байрам қуни қариялар уйи нурга тўлиб кетади. Вилот, шаҳар, район ҳокимлиғи раҳбарлари, идора ва ташкилотлардан вақиллар келиб бизни байрам билан кутлашди, совгалар улашди. Шу қуни меҳрдан-муҳаббатдан диллар ярайди, қозонлар тўлиб ош дамланади, кечгача қўй-қўшиқлар бизга ҳамроҳ бўлади. Биз қариялар эса меҳрдан юрағимиз қувнаб, эъзоздан бошимиз осмонга етиб, қўлимизни дуога очамиз: юртимизда байрамлар кўпаяверсин. Эл тинч, мамлакат обод, дастурхонлар тўкин, юраклар меҳр-муҳаббатли бўлаверсин.

А. ХАЙИТОВ,
Оҳангарон қариялар уйи.



БИЗ ҚУРИШ, ЯРАТИШ ЙЎЛИДАН БОРАВЕРАМИЗ

(Боши 1-бетда).

Учинчидан, четда туриб, жамиятимизда устувор бўлган соғлом муҳитни булғатиш, орамаизга аловат, низо, норозилик, ҳар хил фитна урутини сочиб, шундан шахсий манфаат топаш ҳаракатида бўлган ганоҳларимизга ҳар хил сафсата, гаразли, бухтон, тухмат гапларни тўқиб чиқишга имкон бермаслик нияти зоҳир эди.

Туртинчидан, мен Ўзбекистон давлати раҳбари сифатида, ўз шахсий мисолида мамлакат тарихида, жамиятимиз ҳаётида, энг аввало, ўсиб-ўниб, кучга келиб келатган еш авлодларга ўрнатилган, уларга ибрат беришни хоҳлардим. Мамлакат, вилоят, туман ва уюмлар ҳам қандай ҳамма миқёсида ўз амалиги ишониб юрган одамларга энг аввало, раҳбарларимизга шу ниятни етказишни хоҳлардим.

Бешинчидан, мана шундай ҳаракат, услуб билан бахту саодат лавозимда, мансабда эмас, балки жамиятта, халққа ҳолисона хизмат қилишда, деган ақлда биз учун оддий бир одатга айланишни хоҳлардим.

Мана шундай мақсадлар мен Олий Мажлиснинг II сессиясида баён қилган фикр замирида муҳасамалашган эди. Лекин, мен ҳар доим, — нафақат Президи

дент сифатида, балки шахс ва фуқаро сифатида ҳам, — омманинг, жамиятнинг, халқимизнинг ирода-си-қарори, унинг билдирган ишончи — бутун ҳаётимда, фаолиятимда ҳал қилувчи, туғри йўл курсатувчи раҳнамо, деб қабул қилганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, ишқоллоқ.

Шундай экан, сиз, муҳтарам халқ ноиблари, халқимиз иродасига асосланиб қабул қилган қарор мен учун ҳам қонундир.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб бир нарсани айтмоқчиман:

Халқимизнинг аҳолига вакиллари — сиз, муҳтарам халқ ноиблари билан саноқдор, елкадош, ҳамнафас бўлиб, ҳар доим одамлар қалбидан хабардор бўлиш, уларга ҳар доим садоқат, иймон ва ихлос билан хизмат қилиш мен учун юксак шарафдир.

Азиз дўстлар! Юрдошлар! Утган давр ва бугунги ҳаётимиз муаммолари бизнинг дунёқарашимызни беёмис равишда кенгайтириб, қўзишни очди.

Янги ҳаёт, янги жамият куриши, бошланган ислоҳотларимизни янада кенгайтириш, биз кўзлаган, биз интилайганимизга етиш, қисқа қилиб айтганда, халқимизга муносиб ҳаёт барпо этиш ҳақида гаплар ажанаси, энг муҳим муаммолар орасидан асосий тўрт тамойилни, асосий тўрт шартни алоҳида таъкидлаган

булуз эдим.

Биринчиси. Биз бундан буён ҳам юртимиздаги тиричилик-тотувлик, барқарорликни кўз қорачигидек сақлаш, евуз, гаразли, ёмон кўзлардан-ҳаракатлардан асраб-авайлашимиз керак.

Иккинчи шарт. Мулкчилик масаласида ҳеч кимнинг уза-риштириши ярашар. Мулк ўз эгасига тегиши лозим. Ундан кейин шу мулкни асраш учун, ҳимоя қилиш учун, уни қўлайлаштириш учун, шахста, оилга, жамоага хизмат қилиш учун курашиш мумкин. Чунки, ҳақиқий мулк эгалари, янги пайдо бўлган мулкдорлар синфи шу давлатни, шу иجتимоий тузумни тиклаш учун, раванг топтириш ва қўриқлаш учун узининг аямалдир.

Яна бир бор бугунги кунда муҳим бир масалага, олдимизда турсинқ бўлиб турган масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Узининг ҳалол меҳнати билан ўзига бойлик топаётган одамларни қўвиш эмас, қўллаб-қувватлаш керак. Бу масала, аввало, маъмурий илорлар, хоҳимларга боғлиқ.

Учинчи муҳим масала. Одамларимизнинг, аввало, фаолларимизнинг, жамоатчилигимизнинг тафаккурини ўзгартириш даркор. Жамиятга янгиликларни қабул қилаётган одамлар керак. Боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўлиб, ўзининг кучига, ақли заковатида, қўриқига, ўзининг мулкига ишониб, ёруғ келад

жак, муносиб, эркин ҳаёт учун тинимсиз курашиш лозим.

Туртинчи шарт. Одамларимиз, жамиятимиз мафқурасида ватан, юрт гоёси устувор бўлмоғи керак. Миллий гуруҳ, миллий иштихор ҳар қандай ишмизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Бу муқаддас гоғлар миялати ва эътиқодидан қатъий назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таъин, энг катта ишонч, боринчиси, ҳақиқий иймонга айланиши керак.

Иштиқолни ҳимоялаш, уни қадридаш, удоғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қалдимизни буколмайд.

Бу буюк гоғлар ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингитиб, келажак авлодларга муқаддас бўлиши — муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Сизларни, сиз орқали бутун Ўзбекистон аҳлини яқинлаштириб келатган буюк айём билан яна бир бор сўямий табриклашга илжоз бергайдилар.

Алолат ва бунёдкорлик йўлида яратганингиз учун доим бизга маладор бўлинг!

1 сентябрь — Билимлар куни

КҮНФИРОҚНИНГ ҚУВОНЧЛИ САДОСИ

Август охирлади. Мактаблар бағри — Яна «қий-чув»ларга тўлди шодумон. Оппоқ тонг... чорлагай билимлар наҳри— Шошар болажонлар мактабга томон..

... Ушбу сурат-лавҳага бир разм солинг. Иштиқолнинг қувончи экисиз. У ва у кабини минг-минглаб фарзандларимиз азиз ва жонажон мактаблари бағрини тўлдирди, биринчи кўнгироқнинг шўҳандон жаранига қулғу ва ҳайқириқларни улаб, қўлғу дарохонга ошиқишмоқда. Уларнинг қувончларига шериқ ота-оналар қалбида ҳам олам-олам ҳаяжон. Негаки, мактаб— ҳаммамиз учун улғу даргоҳ!

Зеро, биз ким ва қайси касб соҳиб бўлмайлик барча-барчамиз мактаб, устозлар сабоғини олмоқчимиз. Шу боис, бугун ҳар кимнинг тазим бажо келтириладиган кун! Инчунун, 1 сентябрь — Янги ўқув йили, билимларнинг янги-янги қосонасига интиқинтизор, ўқтам ва орифона кадам ташлайдиган кун! Қувончимизга яна қувонч қўшадиган бу сананинг яна аҳамияти шундаки, биз бу кўт-лўкунда Ўзбекистон Мустақиллигининг 4 йиллиғи улуғвор тантаналарига пешвоз чиқамиз. Мустақиллик ва Би-

лимлар куни — муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтадими. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» халқларининг қўшақ айбидидир.

Ўзбекистон таълими XXI аср бўсағасида янада устувор аҳамият касб этапти. Бугунги кунга келиб республикамизда умумтаълим мактаблари сонини 9.092 тага етди. Табиийки, бу раҳам ўсишда давом этаверади. Билимлар куниди 5 миллионга яқин ўқувчини мактабларимиз ўз бағрига олмақда. Эндиликда билимга ва ҳунар ўрғанишга чанқок ўғил ва қизларимизга 345 минг нафарга яқин устоз-мураббийлар сабоқ беришади.

Республикамиз ҳукумати «Соғлом авлод учун» гоёсинини илғари суриб, таъбир жоиз бўлса, келажакнинг соғлом ва муҳташам биносига мустаҳкам пойдевор қўйди. Аслида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан «Таълим тўғрисида»-ги қонун қабул қилинганда халқ таълими соҳасида буюк ўзгариш ва ислоҳотларга оидин йўл очилган эди. Мазкур ҳужжатда таълим соҳасидаги



давлат сийосатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва бошқаруви тартиби, педагог хўжалиқининг ёркин мисолидир. Хадемай мактабларда биринчи кўнгироқ янғарайди. Бу кўнгироқнинг жоибодор ранги буюк истиқлолимизга таналарига ҳамоҳанг бўлиб, гоёт қувончидир.

Абдулла ТУРДИЕВ.

Иштиқол муштораси

ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Туркистон — умумий бизнинг уйимиз, Бирдир урдуимиз, бирдир тўғимиз, Муштарак фикримиз, орзу, ўйимиз, Дўстлар, бирлашайлик Турон заминига.

Аждодлар руҳини айлаш учун шод, Бахтли яшашни деб, келувчи авлод, Бирдан-бир истак шу, бирдан-бир мурод, Дўстлар, бирлашайлик Турон заминига.

Туркман, тожик, қирғиз, ўзбек ва қозоқ, Дўстларинг абадий мени шайдан узок, Манаманлик бўлганга қўяйлик тўзон, Дўстлар, бирлашайлик Турон заминига.

Бизнинг ҳамкорликка тарихидир шоҳид, Канча қўйласок аз, дўстликка оид, Ўзбекистон раҳна соғамасин ҳозир, Дўстлар, бирлашайлик Турон заминига.

Иштиқол йўлидан оғинмай дади, Ўзлик ўсту ўртқо, ҳамкор ва аҳли, Юксак кўнгириқларни қўллаб муштаси, Дўстлар, бирлашайлик Турон заминига.

Ақбар ХАЙДАРОВ.

ЦИРКДА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Тошкент давлат циркида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиғига ҳамда янги цирк мавсумини очилишига бағишланган буюк кўрсаткич бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган цирк жамоаларининг кўпчилиги санага таяйғорлик санъатини юксалтиришга эришганини бахшладилар.

Жамоатчи муҳбиримиз Т. Обидов «Ўзбек давлат цирки» бош директори Баҳром Маждидов билан учрашиб байрам томошалари ҳусусида гапириб беришни шартмас қилди.

— 1 сентябрь Мустақиллик куни байрамлар гултоғидир. Бу унутилмас, тарихий кундан эътиборан ўзбек номи билан яна жаҳон сахнасида пайдо бўлди. Минг йиллик тарихга эга ўзбек цирки ҳам истиқлол туфайли болбор йўлини обод айлаб дадил олган интилоққа. Ҳозирги кунда қийин, аммо ўсиш, улғайиш жараёнини бошдан кечиряптимиз. Хорижий мамлакатлар билан икждий алоқалар тикланяпти. Узаро фойдали учрашувлар Ўзбекистон санъатини чет элга таништириш ва ақинча, фикдор халқимизни жаҳон санъати дурдоналаридан баҳраманд этиш имконини беряпти. Бу ишни Марказий Осие давлатлари билан ҳамкорликда амалга оширяптимиз. Ҳозирки кунда цирк артистларини миллий руҳда тарбиялаб мароқли томошалар уюштиришга эътиборини қўлайтирганмиз. Улар бобомароқ кадрларга сунган ҳолда замонавий шўҳ, ичақузар сахна чиқишларини моҳирона намойиш этишмоқда. Қисқаси, ўзбек циркининг тарихи миллий давлат циркига асос бўлиб хизмат қиляпти. Фахрланасак арзийди, бу замонада қадимдан масҳараболлар, чавандозлар, дорбозлар, акробатлар, йиртқич ҳайвонларни ўргатувчилар, қўбойла-

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Тошкент Давлат аграр университети 1995-1996 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ҳамма ўқув юртига тест синаволари асосида кириш учун 1995 йил 1 октябрдан бошлаб 8 ойлик кундузги пуллик тайёрлов курсига тинловчиларни қабул қилади.

Аграр университетининг пуллик тайёрлов курси Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртига кириш учун қўйилган фанлар: математика, физика, химия, биология, ўзбек тили, чет тили бўйича тест синаволари орқали имтиҳон топиришига таяйлайди.

Тинловчилар оқоҳона билан таъминланади. Университетда овқatlanиш, даволиниш ва ўқитиш.

Манзилгоҳимиз: Тошкент — 7000140, ТошДАУ, (19, 83, 96, 115, 129, 165, 491-автobуслар да 15, 29, 49, 53-маршрут таксиларининг «Тошкент Давлат аграр университети» бекати). Маълумот учун телефон: 63-75-07.

ТЕГИРМОН СОТИБ ОЛИНГ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Алаво» масъулият чекланган жамияти қўйилганларини сотиб олишни таклиф этади:

- соатга 200 килограмм ун тайёрлаш қувватига эга бўлган эскилик тегирымонлар;
- соатга бир тоннагача ем тайёрлаш қувватига эга бўлган дон майдаллагичлар.

Шунингдек, бу ташкилот темирдан турли мосламалар, қурilmалар тайёрлаб бериш бўйича буюртмалар ҳам қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 62-94-65 (соат 9 00 дан 17 00 гача), 46-03-96 (соат 18 00 дан 23 00 гача).

ХУЖАЛИК, КОРХОНА РАХБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИКҚАТИГА

ЎРАШ-ҚАДОҚЛАШ УСҚУНАЛАРИ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Ҳўжаликда етиштирилган мева-сабзавотларни дастлабки тарзда қайта ишлаш, сотиш учун ёки корхонада тайёрланган махсулотларни идишларга қўйиш учун ўраш-қадоклаш усқуналарига эҳтиёж тутилган бўлса, бу борада Сизга «Ўзмашсанот» бирлашмасининг тажриб-конструкторлик ва технологик босқич ёрдам беришига таяиш. Шу ташкилот билан икки томон учун манфаатли асосда ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Сиз учун зарур бўлган қурилма ёки усқуналар қийматининг 15 фоизини банк орқали ўтказиб берсангиз, тайёр махсулотни олиш имкониятига эга бўласиз. Тула ҳисоб-китоб усқуналарини олганимиздан кейин икки ой давомида амалга оширилади. Мазкур ташкилот қўйилган қурилма ва усқуналарни **СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

- соатга 1500 килограмм мева-сабзавотни кесиб-туғрайди-ган санот қурилмаси;
- шарбат, газли ичимликлар ва винони идишларга қўйиш ҳамда қопқоклаш линияси;
- ёрлик — этикетчаларни автоматик епиштириш усқунаси;
- шийа идишлар тозалигини зинқлашда қўлланиладиган машиналар — инспекция усқуналари;
- вино ва бошқа суюқликларни қувур ёки шланг орқали бир жойдан иккинчи ёрга етказишда қўлланиладиган марказдан қочирма насослар;
- қишлоқ хўжалиги незматлари ва бошқа қўшмақ махсулотларни майдалаш қурилмалари.

Манзилгоҳ: 700090, Тошкент, Бобур кўчаси, 77-уй.
Телефон: 55-16-11,
Факс: (3712) 55-14-70.

УРУҒЛИК КАРТОШКАГА ШАРТНОМА ТУЗИНГ

Келгуси йил деҳқончилиги учун уруғлик картошка сотиб олмақчи бўлган хўжаликлар ва фермерларни Москвадаги «Ўзбекистон» савдо уйининг Тошкент филиали шартнома тузишга таклиф этади. Бу ташкилот Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардаги хўжаликлар билан уруғлик картошка сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиб, махсулотларни Ўзбекистонга жўнатиш тадбирларини қўрапти. Мазкур идора билан шартнома тузган хўжаликлар ва фермерларга уларнинг буюртмасига қўра «Невский», «Огонь», «Белорусский ранний», «Родничок», «Детский сельский», «Житомирский», «Кардинал», «Диомат» ва бошқа нав уруғлик картошка **БИРМУНЧА АРЗОН НАРХЛАРДА** етказиб берилади. Москвадаги «Ўзбекистон» савдо уйининг Тошкент филиали «Ўзмавсабзавотузум-санот» республика уюшмаси биносида жойлашган.

Телефонлар:
56-33-98; 33-44-43.

ТОҶТХАМУРОД ДЕҲҚОНИЙ.

НОН

Ўқдан доим бор қилади, бўздиради нон, Ҳар бир уйнинг газнасини тўлдиради нон. Одамлар ҳам кўзга суртиб эвоозлар ун, Сўйатади, қўйлатади, қуладиради нон. Нон бор уйда барака бор, имону кут бор, Янаш ириш эканлигини билдиради нон. Она замин, мовий кўкка мекр уйғотиб, Ҳаёт номи арвақи жўлдиради нон. Даладарда мў бошоқлар шоувалаган дам, Ғам-ла гоғур, шоқиларни тиндиради нон. Буюк халқим азлур кўнги ошлар тортаанда, Тукин-сонин дастурхонда синадиради нон. Тукин дейди: — Нонинг бутун бўлсин, ўзбеки, Кимки уни ярим қилса, ўлдиради нон. Ўқ нарсаги бор қилади, бўздиради нон..

ТУЛКИН.

ЙЎЛИНГ БЎЛСИН РАВОН

Азиз халқим меҳнатсевар — деҳқону борбон, Олам бўйлаб донинг кетган, қойилдир жаҳон, Маданият ёғай таним чира бор экан бу жон, Мустақиллик еғаштин суриб, бошингдир осмон.

Сабр қилган киши ёмон бўлгани йўқ, Чин сўлимни айтдим, ҳаргиз ёғгани йўқ, Кимки раҳмон йўлдан тутмас, имони йўқ, Оводликка чиқдинг, халқим, сурин доғрон.

Халқнинг риқзин юзганларни қўригим келмас, Дунёпараст шахс ёнга борим келмас, Улар юрган йўлга сира юрим келмас, Дово халқим доим йўлине бўласин равон.

Мен, Расулий, халқим дилидан сўзладим, Халқимга минг ўйлаб узқини қўзладим, Яхшиларни маҳтаб, ёмонни тузладим, Халқим бахтингни айтиб, айладим дестон.

СУЛТОН РАСУЛИЙ.

Президент куботи

ТАЛАБГОРЛАРДАН БИРИ

Теннис муҳлисларининг эътибори яна Тошкентдаги «Юнусобод» кортида қаратилган. Президент куботи учун бахсларга қатор хорижий давлатларнинг етакчи ракетка устасалари ҳам ташриф буюришди. Ҳў вакилларимиз иккита эса Олег Огородовнинг муваффақият қозониш эҳтимоли каттадир. Лекин бунинг ўзи бўладими? Рақиблар осонликча ён босаришми? Қандай қилинса, уларнинг қаршиллигини синадириб, юртбошимиз таъсис этган кубокни қўлга киритиш мумкин?

Диққат қилинг: хатто мусобаклар арафасида бўлиб ўтган матбуот конференцияси пайти ҳам Огородовнинг фикру йўллари бўлуши бахсларда экани аққол сезилиб турди. Ҳаёллар оғу-шида у енма-ен утирган машҳур теннисчи Слага Метревелини ҳам пайкамагандек ҳолатда эди.

Омад ёр бўлсин сизга, Олег! **Н. МУҲАММАДЖОНОВ** олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ИСТЬМОА ВОЗОРИГА БУТУН ДУЕБ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУОТАЛАРИНИ УЗАУКСИЗ ЕТКАЗУВЧИ «БЕШ ЁҒОЧ» ФИРМАСИ

Республикамизнинг барча ТАДБИРКОР ВА ТИЖОРАТЧИЛАРИГА

1,5 литрли полиэтилен идишларга қўйилган ИТАЛИЯНИНГ жаҳонга машҳур ЮКОРИ СИФАТЛИ ҳамда ХУЗУРБАХШ **San Paolo** ширин селқин ичимликларининг 8 турининг ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бутунча на муржаам улуғ теелефонлар: 45-61-13, 45-82-93, 45-82-36.

Бош муҳаррир **Неъмат ЁҚУБОВ.** Рўнома таҳрир хайяти: Расулмат ХУСАНОВ, Мирза-жон ИСЛОМОВ, Махмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ГОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МАЪМУЗИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, муҳаррир уринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35. Иجتимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шижоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.